

## «Ҳали ёшда, каттароқ бўлса қуйилиб қолар» деманг!



21:00 / 24.10.2022 1519

14 ёшдан 20 ёшгача бўлган йигит-қизларга ўсмир, ўспирин сўзи ишлатилади.

Аслида арабчада **مورق** муруҳиқ, ўзбекчада ўсмир, ўспирин деб аталган сўз ғарб истилоҳи бўлиб, ёшлардан ўзларига бўлган ишончни суғуриб олиш ва жиноятга, аҳмоқликка қўл урсалар, «Ҳали ёшда, ўсмирда» деб уларга узр топиш, жиноятни хаспўшлаш учун ўйлаб топилган.

Шонли Ислом тарихимизда мусулмон «ўсмирлар» қандай ишларни амалга оширишган?

Усома ибн Зайд розияллоху анҳумо Шомдаги рум қўшинига қарши йўлга чиққан мусулмонлар қўшинига қўмондон бўлганларида 18 ёшда бўлганлар. Муҳаммад Фотиҳ раҳимаҳуллоҳ Қўстантинияни фатҳ қилганларида 22

ёшда бўлганлар.

Муҳаммад ибн Қосим раҳимахуллоҳ Синд (ҳозирги Покистон, Бангладеш, Ҳиндистон)ни фатҳ қилганларида 17 ёшда бўлганлар.

Исломи бола тарбиясига катта эътибор қаратиб, болаларни кичиклигиданоқ жанг санъати, чавандозлик, қиличбозлик, камондан ўқ отиш, сузиш, югуриш каби спорт турларини ўргатишга буюрган.

Аллоҳ таолонинг фазли билан 17-22 ёш оралиғидаги мазкур қўмондонлар етишиб чиқишган.

Афсуски, ёши 25 га етса ҳам ҳаётда ўз ўрнини топмаганлар топилади.

Аллоҳ таоло фарзандларимизни кўзимизга қувонч, Исломига, Қуръони Каримга, миллатга хизмат қилиб, бу юртга аввалги пешқадамлиги қайтишига сабаб бўладиган баркамол инсонлар бўлиб етишишларини насиб этсин!

***Нозимжон Ҳошимжон***